

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ**

**ЭШҚОБИЛОВ ОЛИМ ХОЛИҚУЛОВИЧ**

**МАШИНАСОЗЛИК КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР  
МАТЕРИАЛЛАРНИНГ АНТИФРИКЦИОН ХОССАЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ УЧУН МЕТОДИКА ВА ҚУРИЛМАНИ ВА УЛАР  
АСОСИДА ТОЛАЛИ МАССА (ПАХТА МИСОЛИДА) ТАЪСИРИДА  
ИШЛАЙДИГАН ҚОПЛАМАЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси  
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси  
(материалшунослик ва металлургия йўналишлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эшқобиллов Олим Холиқулович**

Машинасозлик композицион полимер материалларнинг антифрикцион хоссаларини ўрганиш учун методика ва қурилмани ва улар асосида толали масса (пахта мисолида) таъсирида ишлайдиган қопламаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....

**3**

**Эшкабиллов Олим Холиқулович**

Разработка методики и установки для изучения антифрикционных свойств машиностроительных композиционных полимерных материалов и технологии получения покрытий на их основе, работающих при взаимодействии с волокнистой массой (на примере хлопка-сырца).....

**23**

**Eshkobilov Olim Kholikulovich**

Development of methods and installations for the study of antifriction properties of engineering polymer materials and technology of obtaining coatings based on them working when you interact with a fibrous mass (for example, raw cotton).....

**43**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**47**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ**

**ЭШҚОБИЛОВ ОЛИМ ХОЛИҚУЛОВИЧ**

**МАШИНАСОЗЛИК КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР  
МАТЕРИАЛЛАРНИНГ АНТИФРИКЦИОН ХОССАЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ УЧУН МЕТОДИКА ВА ҚУРИЛМАНИ ВА УЛАР  
АСОСИДА ТОЛАЛИ МАССА (ПАХТА МИСОЛИДА) ТАЪСИРИДА  
ИШЛАЙДИГАН ҚОПЛАМАЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси  
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси  
(материалшунослик ва металлургия йўналишлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4PhD/T851 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУКда бажарилган.

Диссертация автореферати 3 тилда (ўзбек, рус, инглиз (рзюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида [www.gupft.uz](http://www.gupft.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Негматов Сойибжон Содиқович**  
техника фанлари доктори, профессор,  
ЎзРФА академиги, Ўзбекистон  
Республикаси фан арбоби

**Абед Нодира Сойибжоновна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Михридинов Рисқидин**  
техника фанлари доктори, профессор

**Солиев Рустам Ҳакимжонович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/T.03.01 рақамли кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» декабрь соат \_\_\_<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (71) 246-39-28; факс: (71)227-12-73, e-mail:[gupft@inbox.uz](mailto:gupft@inbox.uz) «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (71) 246-39-28; факс: (71) 227-12-73.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» декабрь куни тарқатилди.  
(2018 йил « 6» декабрдаги №7 рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Умаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

**М.Г. Бабаханова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, к.ф.н., к.и.х.

**Н.Талипов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси анотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё миқёсида йилига 23 млн. тонна сифатли пахта толаси етиштирилиб, уни тайёрлаш, йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларида турли машина ва механизмлардан фойдаланилади. Пахтани дастлабки қайта ишлаш машина ва механизмларининг иш қобилияти ва самарадорлигини ошириш долзарб муаммолардан бири бўлиб, илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Машина ва механизмларнинг ишчи органларини композицион қопламалар билан қоплаб, пахта толаси ва ишчи органи ўртасидаги ўзаро ишқаланиш жараёнида толанинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнида қўлланиладиган машина ва механизмларнинг ишчи қисмларида композицион полимер материаллардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Композицион полимер материаллар (КПМ) ва пахта толасининг ўзаро таъсирдаги ишқаланиш жараёнида уларнинг фақат ишқаланиш коэффициенти ўрганилган. Аммо ушбу жараёнда ишқаланиш зонасида харорат ва электростатик зарядларнинг ҳосил бўлиши ва таъсири ўрганилмаган. Шунинг учун пахта толаси билан машина ва механизмлар ишчи органлари ўртасидаги ишқаланиш жараёнидаги антифрикцион хоссаларни аниқлашнинг унификацияланган методикасини яратиш ва антифрикцион машинасозлик КПМни ишлаб чиқиш асосий ўрин эгаллайди.

Республикамизда пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнида қўлланиладиган машина ва механизмлар учун композицион қопламалар олиш борасида кенг қамровли чора ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, Ўзбекистонга янги технологияларни олиб кириш, янги технологияларни яратиш...» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнларида қўлланиладиган машина ва механизмлар ишчи органларининг пахта билан ўзаро таъсирдаги антифрикцион хоссаларини аниқлашнинг метод ва қурилмасини ишлаб чиқиш ва улар асосида янги антифрикцион машинасозлик КПМни машина ва механизмларнинг ишқаланиш узелларига қўллаш орқали сифатли тола олишга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги ПҚ-2698-сон қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергоресурстежамкорлик, машинасозлик ва ресурстежамкорлик» ва VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу йўналиш бўйича A.Hayashi, S.Hulemand, R.Morgen, A.D'Amore, D.Jully, G.Akovali, A.Kumar, H.J.Deppe, K.Ernst, H.Sane, A.A.Moslemi, H.A.Miller, H.C.Ениколопов, С.Н.Журков, В.В.Коршак, С.А.Вольфсон, А.А.Берлин, М.С.Акутин, Ю.С.Липатов, Э.Ф.Олейник, Ф.Мэттьюз, Г.С.Головкин, В.А.Белый, А.И.Свиреденок, М.И.Петроковец, Е.И.Карасеев, С.А.Угрюмов, В.Н.Волонский, Г.И.Шварцман, В.В.Глухих, Г.А.Голубицкая, В.М.Курдюмов, В.Г.Савкин, А.В.Струк, В.П.Соломко, Ж.Х.Халиков, Р.Г.Махкамов, М.А.Аскарлов, С.С.Негматов, С.Ш.Рашидова, А.Х.Юсупбеков, Г.Рахмонбердиев, А.А.Рискулов, Ф.А.Магруппов, Р.С.Сайфутдинов, А.С.Ибодуллаев каби олимлар изланишлар олиб борганлар.

Мавжуд ишлар таҳлиliga кўра, яратилган методлар ва қурилмалар пахта толаси ва машинасозлик КПМ ўртасидаги антифрикцион хоссаларни (ишқаланиш коэффициенти, ишқаланиш зонасидаги ҳарорат ва электростатик заряд) аниқлаш учун методологик асослари ва унификацияланган қурилма ишлаб чиқилмаган. Пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларининг ишчи органлари ишчи режими ва параметрларини антифрикцион хоссаларга таъсири ўрганилмаган. Мазкур диссертация иши ушбу муаммо ечимига бағишланган ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-4-2.8.1 «Композицион полимер материалларнинг толали масса (пахта хомашёси) билан ўзаро таъсирлашиши қонунияти ва табиатини ўрганиш» (2000-2002 йй.), А-6-2012 «Маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида барқарорлаштирилган композицион қопламалар олишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), А-12-95 «Тола массаси (пахта хомашёси) билан ўзаро таъсир қиладиган кристалланувчи полимерлар асосида антифрикацион-ейилишга чидамли нанокомпозитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.), ПЗ-20170927401 «Машинасозлик учун металл-полимер-композит-толали материаллар билан ўзаро таъсирда ишлайдиган импорт ўрнини босувчи антифрикцион-ейилишбардош КПМни ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пахта толаси ва машинасозлик КПМнинг антифрикацион хоссаларини аниқлаш учун унификацияланган методика ва қурилмани яратиш ва улар асосида пахта толаси билан ўзаро таъсирда ишловчи композицион полимер қопламаларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пахта хомашёси билан ўзаро таъсирда ишлайдиган пахтани қайта ишлайдиган машина ва механизмлар ишчи органларини комплекс таҳлил қилиш асосида полимер-пахта ўзаро таъсирини ўрганиш, жуфтлик учун фрикциион ўзаро таъсирни баҳолаш мезони ва схемасини танлаш;

қурилма – трибометрнинг асосий параметрларининг машинасозлик КПМнинг пахта хомашёси билан ишқаланиш зонасида ҳосил бўладиган ишқаланиш коэффиценти, электростатик заряд ва ҳароратни ўлчаш жараёнига сифат ва миқдор жиҳатидан таъсирини ўрганиш;

пахтани қайта ишлайдиган машина ва механизмлар ишчи органларининг иш режими ва пахта хомашёси сифат кўрсаткичлари (намлик ва ифлосланганлик)нинг машинасозлик КПМнинг антифрикцион-электр-иссиқлик-физик характеристикаларининг ўзгариш миқдорига таъсирини тадқиқотлаш;

полимер-пахта жуфтлиги ишқаланиш зонасида ҳосил бўладиган электр заряди зичлиги ва ҳарорат ҳамда уларнинг машинасозлик КПМнинг пахта хомашёси билан ўзаро таъсирида ишқаланиш коэффиценти таъсирини ўрганиш;

антифрикцион машинасозлик КПМ ва улар асосида олинган қопламаларнинг антифрикацион-электр-иссиқлик-физик хоссаларини ўрганиш учун унификацияланган методика ва такомиллаштирилган қурилмани ишлаб чиқиш;

такомиллаштирилган қурилма – трибометр дискининг юзасида қопламалар олиш технологик жараён ва босқичларининг илмий-методик принципларини яратиш;

такомиллаштирилган қурилма – трибометр дискининг юзасида юқори антифрикцион-ешилишбардош ва физик-механик хоссали қоплама олиш мақсадида оптимал технологик режимларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш;

«Толали масса (пахта) билан ўзаро таъсир қилувчи антифрикцион машинасозлик композицион полимер материаллари. Ишқаланиш коэффиценти, температура ва электростатик заряд миқдорини аниқлаш методлари» Ўзбекистон давлат стандартини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** эпоксид смола ЭД-16, полиэтиленполиамин (ПЭПА) ва дибутилфталат (ДБФ), пентапласт, юқори зичликли полиэтилен (ПЭВП) ва полипропилен (ПП), майдаланган графит, темир кукуни ва шишасимон толалар. Толали материал сифатида намлиги 8-10%, ифлослиги 3-25% пахта толаси. Полимер қоплама таглиги сифатида Ст3 маркали пўлат танланди.

**Тадқиқотнинг предметини** пахта хомашёси ва КПМни ўзаро таъсиридаги антифрикцион хоссаларнинг қонуниятларини ўрганиш ва улар асосида унификацияланган методикани, такомиллаштирилган қурилмани ҳамда композицион полимер қопламани олиш технологиясини ишлаб чиқиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида пахта хомашёси билан КПМни ўзаро таъсирида антифрикцион хоссаларни (ишқаланиш коэффициентини, ишқаланиш зонасидаги ҳарорат ва электростатик заряд) аниқлашда дискли трибометр қурилмасидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тола массаси билан ўзаро таъсирда ишлайдиган машинасозлик КПМнинг антифрикцион-электр-иссиқлик-физик хоссаларини аниқлаш учун унификацияланган методика ва такомиллаштирилган қурилма ишлаб чиқилган;

полимер-пахта жуфтлиги ишқаланиш коэффициентини ўрганиш учун унификацияланган методика ва такомиллаштирилган қурилмани ишлаб чиқиш имконини берадиган материалларнинг фрикцион ўзаро таъсир схемасини баҳолаш мезони ишлаб чиқилган;

полимер материаллар ва пахта хомашёси контакт зонасида фрикцион ўзаро таъсирда ишқаланиш коэффициентини ортишига таъсир кўрсатадиган электростатик заряд ва ҳароратни ҳосил бўлиши аниқланган;

полимер материаллар таркибига углеграфит тўлдирувчилар киритиш билан композицияда электростатик заряд ва ҳарорат ҳосил бўлиши олдини олиш ёки минимал даражагача камайтириш мумкинлиги исботланган;

такомиллаштирилган қурилма – трибометр дискининг ишчи юзасида антифрикцион-ейилишбардош композицион полимер қопламалар олиш оптимал технологик жараёни ва босқичларининг илмий-методик принциплари яратилди;

пахтани қайта ишлаш машиналарининг ишчи режими ва параметрларини антифрикцион хоссаларга таъсири аниқланган ва янги композицион полимер қоплама олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тола массаси билан ўзаро таъсирда ишлайдиган машинасозлик КПМнинг антифрикцион хоссаларини ўрганишнинг методологик асослари ишлаб чиқилган;

машинасозлик КПМнинг пахта хомашёси билан ўзаро таъсирида ишқаланиш коэффициенти, электростатик заряд зичлиги ва ҳароратни аниқлаш учун универсал қурилма яратилган бўлиб, унда контакт зонасидаги ишқаланиш коэффициентини  $f=0,01-0,50$ , электростатик заряд зичлигини  $q_3=0,10-1,2 \cdot 10^{-6}$  Кл/м<sup>2</sup>, ҳароратни  $T=273-350$  К чегараларда аниқлаш режимлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган физик-кимёвий, физик-механик тадқиқот усулларида фойдаланганлиги билан асосланган. Пахта хомашёси ва КПМни ўзаро таъсирида антифрикцион

хоссаларини аниқлаш натижалари математик-статистика усулида қайта ишланганлиги ва O'z DSt 3330: 2018 «Толали масса (пахта) билан ўзаро таъсир қилувчи антифрикцион машинасозлик композицион полимер материаллари. Ишқаланиш коэффициенти, температура ва электростатик заряд миқдорини аниқлаш методлари» Ўзбекистон давлат стандарти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти машинасозлик КПМни пахта толаси билан ўзаро таъсир жараёнидаги антифрикцион хоссаларни баҳолаш мезони молекуляр-механо-электрик ишқаланиш назариясига асосланганлиги, ишлаб чиқилган методика ва қурилма асосида пахтани қайта ишлаш машиналар ишчи органларининг иш шароитини имитациялаш имконияти яратилганлиги ва машинасозлик КПМ билан пахта хомашёсининг ишқаланиш зонасида ишқаланиш коэффициенти, ишқаланиш зонасидаги ҳарорат ва электростатик зарядларнинг ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта хомашёси билан машинасозлик КПМни ўзаро таъсир жараёнидаги антифрикцион хоссаларни аниқлашнинг Ўзбекистон давлат стандарти яратилганлиги (O'z DSt 3330: 2018) ва такомиллаштирилган дискли трибометр қурилмаси ишлаб чиқилганлиги, натижада пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларнинг мақбул ишчи параметрларини аниқланганлиги ва ишқаланиш узеллари сиртига қоплаш учун янги антифрикцион машинасозлик КПМ яратилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта хомашёси билан ўзаро таъсирда ишлайдиган машинасозлик КПМнинг комплекс антифрикацион хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

толали масса (пахта) билан ўзаро таъсир қилувчи антифрикцион машинасозлик КПМнинг ишқаланиш зонасидаги ишқаланиш коэффициенти, температура ва электростатик заряд миқдорини аниқлаш методлари бўйича Ўзбекистон давлат стандарти (O'z DSt 3330:2018) тасдиқланган («O'ZSTANDART» агентлиги «Ахборот-маълумот маркази» давлат корхонасининг 2018 йил 26 октябрдаги 1187/40-сон маълумотномаси). Натижада дискли трибометрда машинасозлик КПМни толали материаллар билан фрикцион таъсирдаги ишқаланиш коэффициенти, ишқаланиш зонасидаги ҳарорат ва трибоэлектрик зарядларни бир вақтнинг ўзида аниқлаш имконияти яратилган;

яратилган дискли трибометр (O'z DSt 3330:2018) пахта саноат тизимида, жумладан, «Пахтасаноат ilmiy markazi» АЖ, «КВ-КОМПОЗИТ», «КОМПОЗИТ NANOTEKNOLOGIYASI», «МЕХАНОКИМО ТЕХНОЛОГИЯ» МЧЖларда ҳамда антифрикцион композицион қопламалар Пискент пахта тозалаш заводи машина ва механизмлари ишчи органларида жорий этилган (мос равишда) (03.12.2018й., 432-сон; 02.09.2018й., 19-сон; 12.09.2018й., 7-сон маълумотномалар). Натижада пахтани қайта ишлаш

машина ва механизмларининг иш унумини ошиши ҳамда электроэнергиянинг сарф бўлишини камайиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Антифрикцион материаллар ва уларнинг толали масса билан контакт ўзаро таъсир вақтидаги хусусиятларини ўрганишнинг мавжуд методлари, мослама ва қурилмаларининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида антифрикацион материаллар, уларнинг пахта хомашёси билан ўзаро таъсир хусусиятларини ўрганишнинг замонавий ишқаланиш назариялари, методлари, асбоб-усуналари ва қурилмалари ҳолати ҳақидаги адабий манбалар таҳлили келтирилган.

Адабий манбалар таҳлилларига кўра, мавжуд методикалар ва қурилмалар полимер-пахта, композит-пахта ва металл-пахта каби тизимларда ўзаро таъсир зонасида ишқаланиш кучи, электростатик заряд ва ҳароратни бир вақтда ўрганишни таъминлаб бера олмайди, шунингдек пахта хомашёси толаси массаси билан ўзаро таъсирда ишлайдиган машинасозлик полимер материалларини яратишда уларнинг комплекс антифрикцион хоссаларини ўрганиш мобайнида қурилма параметрларининг ва пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларининг ишчи органлари иш режимларининг таъсирларини ҳисобга олмайди. Ушбу диссертация келтирилган вазифаларни ҳал қилишга бағишланган ва бу диссертация ишининг мақсадини белгилаб берди.

Диссертационинг иккинчи «**Машинасозлик композицион полимер материалларнинг комплекс антифрикцион хоссаларини ўрганиш учун материалларнинг толали масса билан фрикциион ўзаро таъсирини баҳолаш мезонлари ва схемаларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш**» номли бобида молекуляр-механо-электрик ишқаланиш назариясига асосланган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар натижалари, машинасозлик полимер материаллари ва қопламаларнинг комплекс антифрикцион электр-иссиқлик-физик хоссаларини ўрганиш учун методика ва қурилмани ишлаб чиқишга мос ҳолда тадқиқот объектларининг танланиши ва асосланиши, полимер-пахта, композит-пахта и металл-пахта тизимининг ўзаро таъсирини баҳолаш мезонлари ва схемалари баён этилган.

Методикани ишлаб чиқиш ва қурилмани такомиллаштириш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ЎзР ФА академиги С.С. Негматов томонидан тавсия қилинган молекуляр-механо-электрик ишқаланиш назариясига асосланган ҳолда амалга оширилган. Молекуляр-механо-электрик ишқаланиш назариясига кўра полимер-пахта, композит-пахта ва металл-пахта (толали материал) ишқаланиш жуфтлиги тизимида ишқаланиш коэффициенти формуласи куйидаги кўринишга эга:

$$f = \left( \frac{\tau_o}{G_s} \right) \rho^{-x} + \beta(1 + \lambda) + \frac{K\alpha K_1}{2} \left[ \sqrt{\frac{\Delta h}{r}} + \left( \frac{1}{K_1} - 1 \right) \frac{h}{d} \right],$$

бу ерда:  $\tau_o$  – силжиш қаршилиги, Н/м<sup>2</sup>;  $G_s$  – доимий коэффициент (Н/м<sup>2</sup>), пахта хомашёсининг турига, физик хоссалари ва таркибига боғлиқ, ҳажмий массанинг контактдаги ҳақиқий босимига тенг ва бошланғич қийматидан икки марта катта;  $\rho^{-x}$  – эластик-қовушқоқ ҳаракатни характерловчи коэффициент, пахта хомашёсининг тури ва физик таркибига, материал сиртининг геометрияси ва турига боғлиқ;  $\beta$  – молекуляр боғланишлар пьезокоэффициентининг пухталаниш коэффициенти;  $\lambda$  – ишқаланиш коэффициентиининг молекуляр ташкил этувчисига электрланишнинг таъсирини ҳисобга олувчи параметр.  $\lambda$  нинг қиймати контакт зонасида юзага келувчи электр заряд қийматига тўғри пропорционал;  $K$  – контакт турига боғлиқ коэффициент;  $\alpha$  – эмпирик коэффициент;  $K_1$  – полимер материал сирти билан ўзаро таъсирда бўлган пахта хомашёси таркибидаги қаттиқ жисмлар (заррачалар) улуши;  $\Delta h$  – полимер қоплама юзасига пахта хомашёсидаги қаттиқ тартибсиз жисмларни ботиш чуқурлиги;  $r$  – пахта хомашёси ва полимер қопламанинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган айлана чизиклик радиуси;  $h$  – нотекис сиртнинг ботиш чуқурлиги;  $d$  – пахта толаси диаметри.

Экспериментал тадқиқотларни ўтказишда биринчи навбатда қурилма металл диски сиртида қоплама олиш методикаси ўрганилди. Компонентлар танлангандан сўнг композициялар тайёрланди. Биринчи композиция терморреактив полимерлар асосида тайёрланди ва қурилма-трибометр диски сиртига қуйиш усули билан қопланди, иккинчи композиция эса термопластик кукунли полимерлар асосида тайёрланиб диск сиртига мавҳум қайнаш

қатламли тебранма-уюрма қурилмада қопланди, электр печида маълум ҳароратда ва вақт оралиқларида эритилиб термик ишлов берилди.

Полимер материалларининг пахта хомашёси билан ўзаро туташуви хусусиятларини ва молекуляр-механо-электрик ишқаланиш назариясига мувофиқ янги КПМ ишлаб чиқиш учун пахтани қайта ишлаш саноати машина ва механизмлари учун пахта хомашёси билан ўзаро таъсирлашувда ишлайдиган КПМга қўйилган талабларга мослигини таъминлайдиган ҳамда композициялар хоссаларини ростланувчан ва мақсадли ўзгартиришга олиб келувчи материаллар ва тўлдирувчилар танланди.

Пахта саноати комплекси машина ва механизмларининг асосий ишчи органларининг ишлаш шароитларини комплекс таҳлил қилиш асосида КПМнинг пахта хомашёси билан ўзаро таъсири антифрикцион характеристикаларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш учун жисмларнинг фрикциион ўзаро таъсир схемаси танланди. Танланган метод назарий жиҳатдан асосланди ва диски ишчи органли трибометр қурилмасининг принципал схемаси ишлаб чиқилди. Силлиқ диск кўринишидаги синалаётган намунанинг айланма ҳаракати контакт зонада фрикциион ўзаро таъсир радиуси бўйича чизиқли тезликнинг нисбий фарқлари ҳисобига пахта толалари дезориентациясини юзага келтириши туфайли пахта хомашёси билан фрикциион ўзаро таъсирда ишлайдиган машина ва механизмлар ишлаш шароитларига максимал даражада мослигининг таъминланиши кўрсатилди. Синалаётган намуна билан толали массасининг фрикциион ўзаро таъсири амалга ошириладиган цилиндрик идиш (короб) шакли ва унинг ён сирти деворлари бўйлаб ёнлама босимнинг камайиб бориши экспериментал натижаларнинг аниқлиги ва ишончилигини етарли даражада таъминлаш имконини берди.

Ишлаб чиқиладиган трибометр қурилмаси қуйида келтирилган талабларга жавоб бериши кераклиги белгилаб олинди.

1. Синовларни ўтказиш учун қурилма биринчи навбатда:

- диски намунанинг айланиш частотасини методик кўрсатмалар бўйича ўрнатилган қийматларда, яъни контакт юзаси марказида сирпаниш тезлигининг талаб қилинган 0,5 м/с дан 10 м/с гача оралиқларида 0,5 м/с қадам билан ва 5% дан ошмайдиган хатолик билан ўрнатиш имконияти билан ростлаш;

- толали массани қўзғалувчан намунага қисилиш босими  $P$  нинг қийматларини методик тавсиялар бўйича 0,001 МПа дан максимал 0,05 МПа гача оралиқда босқичма босқич ростлаш;

- контакт қиладиган юзалардаги ишқаланиш кучини ўрнатилган сирпаниш тезликлари ва ҳосил қилинадиган қисил босими қийматларининг кенг оралиқларида ўлчаш;

- ишқаланиш зонасида ҳароратни хона ҳароратидан то 150<sup>0</sup>С гача ўлчанадиган қийматларини 5% дан ошмайдиган хатолик билан ўлчаш;

- синалаётган намунанинг электростатик зарядлари қийматларини рухсат этиладиган  $\pm 5\%$  асосий хатолик билан ўлчашни таъминлаш лозим.

2. Цилиндрик идиш диаметри билан белгиланадиган чегаравий радиал масофали участкаларнинг чизикли тезликлари фарқини камайтириш учун қуйидаги нисбатга амал қилиш лозим:

$$\frac{r}{d} \geq 3,$$

бу ерда:  $r$ —диск ва цилиндр идиш ўқлари орасидаги масофа;

$d$ — цилиндр идиш диаметри.

3. Контакт майдонини камида  $50 \text{ см}^2$  таъминлаб берувчи цилиндр идиш энг ишончли натижалар олишни таъминлаб беради.

4. Цилиндр идиш билан поршень ўртасидаги тирқиш  $0,1 \text{ мм}$  дан кичик ва  $1 \text{ мм}$  дан катта бўлмаслиги керак.

5. Синовлар жараёнида тола массасини юмалашини олдини олиш учун поршень туби ёйилган металл найзачалар кўринишидаги фиксаторлар (қайд қилувчилар) билан жиҳозланган бўлиши керак. Айнан улар қолдик электростатик зарядларни ерга улаш (заземление) йўли билан олиш учун электродлар сифатида ишлатилиши мумкин.

6. Тирқишга пахта хомашёси уруғи (чигит)ларнинг тикилиб қолишидан келиб чиқадиган ўлчашлардаги хатоликларни истисно қилиш учун цилиндр идиш билан синалаётган намуна ўртасидаги тирқиш  $2 \text{ мм}$  дан ошмаслиги лозим.


7. Намуна ва тола массаси трибометр станинасида электр изоляцияланган бўлиши керак, бунда изоляция қаршилиги  $10 \text{ мОм}$  дан кам бўлмаслиги лозим.

Конструкция, полимер ва композит материал билан пахта хомашёси ўртасидаги ишқаланиш кучини, ишқаланиш зонасидаги ҳарорат ва электростатик заряд катталигини аниқлаш учун диски трибометрнинг принципади схемаси 1-расмда келтирилган.

Диски трибометр қуйидаги тарзда ишлайди. Электродвигатель 1 ва редуктор 2 дан горизонтал диск 4 ўрнатилган вертикал вал 3 ҳаракатга келтирилади. Диска синалаётган материалдан ишланган намуна 4 қопланади. Ўқ бўйича ва радиал тепишнинг олдини олиш учун диск вали иккита радиал ва битта таянч подшипникка ўрнатилган. Саккизта радиал шарикли подшипниклар 6 да жойлашган цилиндр идиш 5 бўйлама йўналишда ҳаракатланади. Радиал шарикли подшипникларнинг қўлланилиши цилиндр идишнинг ён деворлари ва йўналтирувчи рама ўртасидаги ишқаланиш кучини камайтиради. Йўналтирувчи рама зарур ҳолларда вертикал ҳаракатланиши мумкин. Бунинг учун девор ичида шариклар билан тўлдирилган тўртта каналлар мавжуд.

Цилиндр идишга иккала томондан тросчалар бириктирилган. Уларнинг биттаси блок 8 устидан ўтади ва юкланишни тарировка қилиш учун хизмат қилади. Иккинчи тросча бир учи цилиндр идиш билан иккинчи учи эса тензометрик датчик ўрнатилган ўлчаш тўсинчасига маҳкамланган.

Дискли трибометр комплексда тензометрик датчиклардан олинадиган метрик сигналларни кучайтириш учун УТ-4 кучайтиргичи ва уларни ёзиб олиш учун осциллограф Н-700 ҳамда компьютер мавжуд.




1-электродвигатель; 2-редуктор; 3-диск; 4-полимер қопламали ёки композицион материалли намуна; 5-цилиндрик идиш; 6-шарикли подшипник; 7-поршень; 8-блок; 9- ўлчаш тўсини

**1-расм. Дискли трибометрнинг принцинал схемаси**

Цилиндрик идиш ичига пахта хомашёси ва унинг устидан юк билан поршень жойланади. Диск айланганида полимер қоплама пахта хомашёси солинган цилиндр идишни ўз ортидан тортади ва шу йўл билан иккинчи тросчани таранг ҳолатга келтиради ва у ўз навбатида ўчаш балкасини эгади, балкага ўрнатилган тензометрик датчик тортиш кучини электр тебранишга айлантириб беради. Бу тебранишлар кучайтиргич УТ-4 билан кучайтирилади ва узатилаётган сигналлар Н-700 осциллографда ёки мониторда ёзиб олинади (бизнинг тадқиқотларда сигналларни ёзиб олиш учун осциллографдан фойдаланилди).

Ишқаланиш зонасидаги ҳарорат тоқ олиш қурилмаси ёрдамида ўлчанди (2-расм), ЭЮК ўзгариши принципага асосланган ҳолда ҳароратга боғлиқ равишда ишлайди. Цилиндрик идишнинг ён сиртларида сирпанувчи углеграфит электродлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг ички қисмига стандарт ТХК-150 туридаги хромель-копель термोजуфтликлари жойлаштирилган. Ҳарорат ПП-63 маркали потенциометр ёрдамида ўлчанади.

Ишқаланиш натижасида ҳосил бўлган зарядлар йўқотилишининг олдини олиш учун трибометрнинг алоҳида деталлари ва тугунлари (узеллари)ни фторопласт прокладкалар билан изоляцияланади. Ишқаланиш зонасида ҳосил бўлган зарядлар электродлар ёрдамида олинади. Статик электр зарядлари ва уларнинг зичликлари С-50 вольтметри ёрдамида потенциал қийматларни ўлчаш орқали аниқланади.



1-углеграфит электрод; 2-терможуфтлик; 3-металл чўтка; 4-нинасимон электрод; 5-изоляция втулкаси; 6-изоляция прокладкаси; 7-диск; 8-полимер қопламали намуна; 9-поршень; 10-қўшимча сиғим; 11-статик вольтметр; 12-сиғим ўлчагич; 13-потенциометр; 14-термостат

## 2-расм. Ишқаланиш зонасида электр-статик заряд ва ҳароратни ўлчашнинг принципиал схемаси

Аниқ ва ишончли қийматларга эришиш учун датчик полимер қопламанинг зарядланган юзасидан маълум масофада ўрнатилган. Датчик O'zDSt: 2018 га кўра пахтага «ботирилган» нинасимон электродли металл пластинкадан иборат. Зарядланган сиртдаги статик заряд қийматлари датчикга электростатик индукция йўли билан узатилади ва вольтметр ёрдамида ўлчанади. Тажрибалар натижасида зарядларнинг қийматларини ўлчаш аниқлиги контакли ва контактсиз зарядларни олишда амалий жиҳатдан бир хил эканлиги аниқланди. Датчик қурилма корпусидан фторопласт прокладкалар ёрдамида изоляцияланади. Ишқаланиш зонасининг юқори диэлектрик хоссаларга эга бўлган фторопластдан фойдаланиб изоляция қилиниши электростатик зарядларни ўлчаш аниқлигини оширади. Бунга, шунингдек, ўлчаш занжиридаги қўшимча сиғим ёрдам беради.

Тизимнинг маълум сиғими ва статик вольтметр ёрдамида ўлчанган потенциал бўйича заряд катталиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = U(C_{\text{вк}} + C_c + C_{\text{дк}})$$

бу ерда:  $C_{\text{вк}}$  - статик вольтметр сиғими;  $C_c$  - ишқаланаётган жуфтлик сиғими;  $C_{\text{дк}}$  - қўшимча конденсат сиғими;  $U$  - статик вольтметр билан ўлчанган кучланиш.

Статик электрланишнинг максимал заряди пахта хомашёси билан ишқаланишнинг турли вақтларида рўй беради. Статик электр зарядлари ҳосил бўлиш кинетикасини тадқиқ қилиш натижасида барча полимер материаллар учун максимал заряднинг ҳосил бўлиш вақти 20 с дан 145 с гача оралиқда бўлиши аниқланди. Шу сабабли барча тажрибаларда

электростатик зарядлар қийматлари ўлчаш синов бошланганидан кейин 180 с ўтгач амалга оширилди.

Тажриба натижалари компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда математик статистика методлари ёрдамида ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Машинасозлик композицион полимер материалларнинг пахта хомашёси билан комплекс антифрикцион хоссаларини ўрганиш учун трибометр қурилмасининг мақбул параметрларини ва полимер-пахта жуфтликларининг контакт ўзаро таъсирлари режимларини тадқиқ қилиш ва танлаш**» номли учинчи бобида пахта билан машинасозлик композицион материалларининг ўзаро таъсирлашуви вақтида антифрикцион-электр-иссиқлик-физик хоссаларини ўрганиш методини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун трибометр қурилмасини такомиллаштиришнинг методологик асосларини аниқлашда қурилма мақбул параметрларини ва пахта-полимер жуфтлиги туташувидаги ўзаро таъсирлашуви режимларини танлаш бўйича олиб борилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


Пахта билан ўзаро таъсирлашувда бўлган полимер материалларнинг антифрикцион хоссалари сирпаниш тезлиги ва контактдаги босимга ҳамда контактнинг номинал ва ҳақиқий юзалари каби ўзаро таъсирлашув асосий параметрларига боғлиқлиги ўрганилди. Бу омиллар у ёки бу машинанинг ишлашида турлича таъсирларда намоён бўлиб, ҳар бир машинанинг ишлашига мос равишда қурилма параметрларини ростлаш ва тажрибаларни ўтказиш шароитларини максимал даражада машиналар ишлаш шароитига яқинлаштириш зарур бўлади.

Қурилманинг бундай параметрларига ва тажрибани ўтказиш шароитларини мослаштиришга контакт ҳақиқий юзаси қийматига боғлиқ бўлган ишқаланишни ўлчаш радиуси ( $R_{mp}$ ), цилиндрик идишда пахта массасининг берилган баландлигида сочилган масса зичлигига таъсир кўрсатадиган цилиндрик идишнинг ички диаметри ( $d_k$ ), ишқаланиш жараёнида пахта массасининг цилиндрик идиш деворига босими таъсирини ҳамда дискнинг айланиш тезлиги ва пахтани босиб турувчи юк қийматининг ростланувчанлик даражасини таъминлайдиган цилиндрик идиш ён деворининг баландлиги ( $h_k$ ) кабиларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, тесқари йўл билан бориб, дастлаб ишқаланиш коэффицентининг, ишқаланиш зонасидаги хароратнинг, электр заряди зичлигининг минимал қийматларини трибометрнинг иш режимлари ва параметрларига мос ҳолда аниқлаб, машиналар ишчи органлари учун хос бўлган тезлик, юкланиш ва пахта намлиги каби шартларни бериш мумкин.

3-расмда эпоксид композицион материалларининг пахта хомашёси билан фрикцион ўзаро таъсир шароитида босим ( $P$ ) ва сирпаниш тезлик ( $V$ ) ларнинг турли қийматларида  $f$ ,  $\sigma$  ва  $T_{mp}$  ларнинг  $R_{mp}/d_k$  га боғлиқлиги келтирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра  $f$ ,  $\sigma$  ва  $T_{mp}$  ларнинг энг турғун қийматлари  $R_{mp}/d_k \geq 3$  бўлганда кузатилади,  $R_{mp}/d_k$  нинг қиймати 0,75 гача камайганда  $f$ ,  $\sigma$

ва  $T_{mp}$  антифрикцион тавсифномаларнинг қийматлари максимал даражага эришади.  $f$ ,  $\sigma$  ва  $T_{mp}$  ларнинг  $R_{mp}/d_k$  га боғлиқ равишда бундай ўзгаришлари ишқаланиш радиуси бўйича фриктион туташувда бўлган элементар юзачалар чизиқли сирпаниш тезлиги нисбий фарқининг ошиб бориши билан тушунтириш мумкин.




3-расм. Эпоксид композитнинг пахта билан ўзаро таъсирида  $R_{mp}/d_k$  муносабатини ишқаланиш коэффициентини (а) ва ишқаланиш зонасидаги ҳарорат (б) ва трибоэлектрик зарядга боғлиқлиги

Чунки чизиқли тезлик нисбий фарқининг ошиши билан контакт зонасида толаларнинг ўта даражада дезориентацияси рўй беради ва  $\sigma$  нинг ҳосил бўлиши ва тўпланиши жадаллашувига олиб келувчи фриктион ўзаро таъсир кучи ортади. Босим ва тезликларнинг ўзгариши билан ҳақиқий контакт юзасининг ортиши натижасида электростатик зарядлар зичлиги ва пахта билан полимер ўзаро таъсир частоталари ҳам ошади. Электростатик зарядлар ҳосил бўлиши билан бир пайтда микроразряд жараёнлари ҳам содир бўлиб, унинг натижасида фриктион ўзаро таъсир зонасида ҳарорат ошади.

Ишда курилманинг  $d_k$  ва  $h_k$  каби параметрлари полимер материалларнинг пахта билан ўзаро таъсири антифрикцион хоссаларига бир хилда таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.  $h_k/d_k$  нинг ўзгариши  $f$ ,  $\sigma$  ва  $T_{mp}$  лар ўзгаришига сезиларли даражада таъсир кўрсатади (4-расм).  $h_k$  ортганда  $\sigma$  нинг қиймати доимий бўлиб қолади, чунки ўлчаш электродлари пахта массасида полимер материал яқинида доимий жойлашади, бунинг натижасида ўзаро таъсир зонаси ва ўлчаш тизими сифими амалда доимий қолади. Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олган ҳолда ўлчаш сифатига  $h_k$  ва  $d_k$  ларнинг таъсири алоҳида параметрлар нуқтаи назаридан эмас, балки уларнинг ўзаро нисбатининг ўлчамсиз катталигининг таъсири ўрганилди.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлиллари шуни кўрсатадики (6-расм), бу параметрларнинг жиддий таъсири  $h_k/d_k \geq 2$  бўлганда кузатилади.  $h_k=d_k=0,5 \div 1,5$  кичик қийматларда ёнлама босим полимер материалларнинг пахта билан антифрикцион хоссаларига деярли таъсир қилмайди. Бундан ташқари  $d_k$  нинг қийматлари  $20 \pm 2$  мм дан кичик бўлиши мумкин эмас, чунки келтирилган қийматлардан кичик бўлса, полимер билан пахта ўртасида контакт ўта

даражада қаттиқ бўлади, ҳақиқий контакт юзаси кескин катталашади ва фрикцион ўзаро таъсир шароитлари полимерларнинг тукли чигит билан ўзаро таъсир шароитларига яқин бўлиб қолади.



1-  $V=6$  м/с бўлганда; 2-  $V=4$  м/с бўлганда; 3-  $V=1$  м/с бўлганда

**4-расм. Эпоксид композитнинг пахта билан ўзаро таъсирида  $h_k/d_k$  нисбатнинг ишқаланиш коэффиценти (а) ва ишқаланиш зонасидаги ҳарорат (б) га боғлиқлиги**

